



“31” январь 2020 y № 1

**Ташиш ва алоқа хизматлари таърифлари нархлари индексини
ҳисоблаш бўйича услубий низомга ўзгартириш ва қўшимчалар
киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, давлат статистика тизимидаги услубий қўлланмаларни халқаро статистика амалиётини инобатга олган ҳолда янада такомиллаштириш мақсадида, Давлат статистика қўмитаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг 2018 йил 26 сентябрдаги 16-сон қарори билан тасдиқланган “Ташиш ва алоқа хизматлари таърифлари нархлари индексини ҳисоблаш бўйича услубий низом”га иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор тасдиқланган кундан эътиборан кучга кирилади.

Раис

Б. Бегалов

**Ташиш ва алоқа хизматлари таърифлари нархлари индексини
ҳисоблаш бўйича услубий низомга киритилаётган ўзгартириш
ва қўшимчалар**

1. 2-бандда “йўловчи ташиш хизматлари” сўзидан кейинги “ва аҳоли учун алоқа хизматлари” деган сўз чиқариб ташлансин.

2. 14-банд “Агар тақдим этилаётган хизматлар рўйхатидан устунлигини танлаш имкони бўлмаса, унда бир нечта вакил турлар бўйича тарифларни рўйхатидан ўтказиш амалга оширилади. Шу билан бирга, индивидуал тариф индексини ҳисоблаш учун геометрик ўртача қийматдан фойдаланган ҳолда ўртача тариф ҳосил қилинади” деган жумла билан тўлдирилсин.

3. 20-бандда “йўловчи ташиш транспорти” сўзидан олдинги “Аҳоли учун”, кейинги “ва алоқа хизматлари” деган сўз чиқариб ташлансин.

4. Шартли мисол тариқасида вакил-хизмат тури бўйича тариф индекслари ҳисобланиши жадваллар билан тўлдирилсин (1-7- иловалар).